

Андижон вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси билан Пахтаобод ТЙФУК ўртасида маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини 2022 йилда қишки қаров ишлари бўйича тузилган

Ш А Р Т Н О М А № 66

Андижон шаҳри

2022 йил 29 январь

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган Пахтаобод ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори Ё.Абдурахмонов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Пахтаобод тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қишки қаров ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНING МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Пахтаобод тумани ҳудудидан ўтувчи маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларида қишки қаров ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНING БАҲОСИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 11 920 000 (Ўн бир миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдорида олдиндан аванс тарикасида **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. **“Буюртмачи”** томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан **“Пудратчи”** томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. **“Буюртмачи”** охириги тўловни **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРNING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. **“Пудратчи”**нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. **“Буюртмачи”**нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. **“Буюртмачи”**нинг ҳуқуқлари

“Пудратчи”дан бажариладиган қишки қаров ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан қуқга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

Пахтаобод ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Пахтаобод тумани Қашқар

МФЙ Мехрнури кўчаси 3-уй

Тел./факс: 74 711-13-47

х/в 22626000200281387002

Банк номи: “Ипотека банк” Истиклол бўлими

МФО: 00068 ИНН: 200295300

ОКОНХ: 42110



Директор:

Ё.Абдурахмонов

М.У

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил:Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 304510860034017045173118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919



Бошлик:

Т. Қараев

М.У

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

А.Мамажонов

Пахтабод ТИФУК томонидан бажариладиган маҳаллий аҳамиятидаги йўлларда қишқи қаров ишлари қиймати ва ишларни бажариши жадвали

№	Йўлнинг номи	Йўлнинг узунлиги км	2022 йил режаси	2022 йил режаси															
				1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак						
				январь	февраль	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябр	декабр				
	Маҳаллий аҳамиятидаги йўллар			жами	январь	февраль	март	жами	апрел	май	июн	жами	июл	август	сентябр	жами	октябрь	ноябр	декабр
1	4К-80 "Учиқуа к.-Шолағой к.-Болрак к." автомобиль йўлининг 0-14 км	14	1560	1560	780	780	0	0				0				0			
2	4К-80а "Қаир кишлоғига шохобча" автомобиль йўлининг 0-2 км	2	222	222	111	111	0	0				0				0			
3	4К-81 "Пахтабод ш.-Терактаги к." автомобиль йўлининг 0-4 км	4	446	446	223	223	0	0				0				0			
4	4К-82 "Тешиктош к.-Омонжўра к.-Уйгур к." автомобиль йўлининг 0-11 км	11	1226	1226	613	613	0	0				0				0			
5	4К-82а "Пушмон кишлоғига кириш" автомобиль йўлининг 0-4 км	4	446	446	223	223	0	0				0				0			
6	4К-83 "Маданият к.-Арабқишлоқ-Янгизамон к." автомобиль йўлининг 0-8 км	8	892	892	446	446	0	0				0				0			
7	4Н-1076 "Елғизбоғ к.-Гулистон к." автомобиль йўлининг 0-5 км	5	558	558	279	279	0	0				0				0			
8	4Н-1077 "Хўжатела к.-Хилла к." автомобиль йўлининг 0-6 км	6	668	668	334	334	0	0				0				0			
9	4Н 1077 а "Пахтабод-Бадрак" автомобиль йўлининг 0-5 км	5	558	558	279	279	0	0				0				0			
10	4Н-1077б "Пахтабод-Мадания йўлига чиқиш" автомобиль йўлининг 0-2 км	2	222	222	111	111	0	0				0				0			
11	4Н 1078 "Қораянтоқ к.-Ҳақачи к.-Маданият к." автомобиль йўлининг 3-15 км	12	1336	1336	668	668	0	0				0				0			
12	4Н-1079 "Чувама к.-Бўстон к." автомобиль йўлининг 3-9 км	6	668	668	334	334	0	0				0				0			
13	4Н-1080 "Маданият к.-Араб к." автомобиль йўлининг 0-13 км	13	1448	1448	724	724	0	0				0				0			
14	4Н-1081 "Қўстўлик к.-Эскисўртон к." автомобиль йўлининг 0-3 км	3	334	334	167	167	0	0				0				0			
15	4Н-1082 "Пастқишлоқ к.-Чувама к." автомобиль йўлининг 0-9 км	9	1002	1002	501	501	0	0				0				0			
16	4Н-1146 "Пахтабод-Маданият 4Р-133 автомобиль йўлига чиқиш" автомобиль йўлининг 0-3 км	3	334	334	167	167	0	0				0				0			
	Жами	107	11920	11920	5960	5960	0	0	0	0	0	0	0	0	0	5960	0	0	0



Ўзбекистон Республикаси
"Б-У-Ю-Т-М-А-Ч-И"
Амалдор вилоят АЙХББ бошлиғи
Т.Карасев

Ўзбекистон Республикаси
"Б-У-Ю-Т-М-А-Ч-И"
Пахтабод ТИФУК директори
Е. Абдурахмонов